

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 22 (3342)

2000 йил 1 июнь, пайшанба

Сотувда эркин нархда

Бош муҳаррир минбари

Янги қонунлар – ислохотлар тезлашувидаги янги имкониятлар

Ўтган ҳафтанинг охирида парламентимизнинг ҳашаматли биносидан икки кун давомидан Иккинчи қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишида Президентимиз Ислоҳ Каримов иштирок этдилар. Парламентга халқимиз томонидан сайланган вакиллар қатор такомиллаштирилган, шунингдек, келгусида жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш жараёнини тезлаштириш ва чуқурлаштириш имконини берувчи янги қонунларни кўриб чиқдилар ва қабул қилдилар. Депутатлар мамлакатимиз ташқи ва ички сиёсатида тааллуқли бошқа ҳужжатларни ҳам атироғли муҳокама қилиб тасдиқлашди.

Сессия ишини юрдошларимиз қатори "Постда" ва "На посту" газеталарининг муштарийлари ҳам катта қизиқиш билан кузатган бўлишлари керак. Мамлакатимиз қонунчилик ҳокимиятининг олий органи – сессияга бу даражада катта эътибор қаратиши табиий. Зеро, мустақиллик йилларида биз, ўзбекистонликларда қонунчилик ҳужжатларига таянган ҳолда яшаш ҳамда қонунлар асосида иш кўришга ўрганиш керак, деган тушунча пайдо бўлди. Шу боис, мустақил тузум давридан фарқли ўлароқ, мустақил Ўзбекистонда истиқомат қилаётган оддий фуқаролар ўзларининг кундалик фаолиятларида ҳаётимизнинг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлаш, амалдаги баъзи қонунларни такомиллаштириш заруратини сезишмоқда.

Ҳамюртларимизнинг бундай эҳтиёжи, айниқса, кейинги йилларда тўла қондириладиган қувончлидир. Боз устига, парламентимиз мамлакатда рўй бераётган жараёнларни олдиндан кўра билиб, шунга мос келадиган ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ўрганди. Иккинчи қаҳриқ Олий Мажлисининг яқингинада ўз ишини тугатган навбатдаги сессияси бунинг ёрқин далилидир. Унда Ўзбекистон Республикасининг бир қанча янги тахрирдаги қонунлари қабул қилинди. Депутатлар шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги алоҳида ҳуқуқий ҳужжат ва мамлакатда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий доирасини кенгайтириш имконини берувчи бошқа янги қонунларни имзоладилар.

Парламент сессиясида кўриб чиқилган масалаларнинг ҳажми шунинг кўрсатмоқдаки, халқимиз вакиллари тайёргарлик кўриш жараёнида улкан ишларни амалга оширишди ва бу Ўзбекистоннинг келгуси тараққиётига муносиб улуш бўлиб қўшилди.

Албатта, ҳозирча мамлакатимизда қабул қилинаётган барча қонунларга тўлиқ амал қилинапти, деб бўлмайди. Афсуски, баъзи ўзлигини унутган амалдорлар кўзлаган гараз мақсадларига эришиш йўлида фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказиб, у ёки бу ҳуқуқий ҳужжатни расмийлаштириш ва ишнинг юришишига тўғаноқ бўлишарди. Бу эса халқимизда ҳақли эътирозлар келиб чиқишига олиб келмоқда.

Аммо шунинг айтиб ўтиш зарурки, суверен ривожланиш йилларида биз бошқа одамга айландик. Фикр юритишимиз, дунёқарашимиз ва ҳаётга муносабатимиз ўзгарди. Ҳуқуқий онгимиз ҳам ўсди. Шу боис, энди ҳеч ким ўзининг ноҳўя хатти-ҳаракати билан жамиятимизда тобора чуқурлашиб бораётган демократлаштириш жараёнини тўхтатиб қола олмади. Чунки биз Ўзбекистон Республикаси Президентлиги ва Олий Мажлисга бўлиб ўтган демократик сайловларда кузатилганидек, ўз хоҳиш-иродамизни эркин ифода этиш, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларимиздан тўлиқ фойдаланишни ўргандик.

Бизнинг ички дунёимиз шу даражада ўзгаришига мустақил ривожланиш йилларида қонунчилик ҳокимияти олий органи томонидан қабул қилинган қонунлар маълум жиҳатдан имконият яратди. Айнан ҳуқуқий ҳужжатлар жамиятимизда қонун устуворлиги тушунчасини шакллантиришда асосий омил бўлиб хизмат қилди. Ва бу тушунча ҳар йили онгимизда тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Мамлакатимизда келгусида ислохотларнинг ҳуқуқий пойдеворини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш бўйича олиб бориладиган ишлар давом эттирилаяпти. Бу вазифа ўтган йил декабрь ойида кўппартиявийлик ва мукобиллик асосида сайланган Иккинчи қаҳриқ Олий Мажлис депутатлари томонидан ошқоралик вазиятида қизгин амалга оширилмоқда. Шунинг унутмаслик керакки, жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш ва демократлаштириш жараёни фаол давом этаётган бир пайтда ҳар бир киши парламентчилар қайси қонун, айтилиқ, давлат бюджетини устидан ишлашаётгани, мамлакатда иқтисодиёт самарадорлигини ошириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва бошқа кўплаб масалалар бўйича қандай ишлар қилинаётганини билиши лозим.

Олий Мажлис иккинчи сессиясида кўриб чиқилган ҳар бир масаланинг муҳокама-ида Президентимиз иштирок этгани улар нақадар долзарб ва катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Хусусан, "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси муҳокама қилинаётганда давлатимиз раҳбари ушбу ҳужжат баркамол ёш авлодни тарбиялаш ва халқаро миқёсдаги спортчиларни тайёрлашда муҳим ўрин тутганини қайд этдилар. Ортбошимиз спорт ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиши, давлат ҳокимияти органлари, депутатлар, жамоатчилик, энг аввало, маҳаллаларнинг доимий эътиборида бўлиши лозимлигини таъкидладилар. Ўзбекистон спортчиларининг халқаро мусобақалар, хусусан, Сиднейдаги ёзги Олимпиада ўйинларида муваффақиятли иштирок этиши мустақил давлатимизнинг жаҳондаги обрўси ва нуфузини янада оширишга хизмат қилади. Шу муносабат билан Президентимиз мамлакатимиз футболини ривожлантириш, "Пахтакор" жамоаси шухратини тиклаш зарурлигига эътиборни қаратдилар.

Давлатимиз раҳбари "Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси муҳокамаида сўзга чиқиб, товарлар экспортини оширишга ҳалакат берувчи барча тўсиқларни бартараф этиш зарурлигини таъкидладилар. Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларни ҳар томонлама ривожлантириш, бундай товарлар турларини кўпайтириш, тушган валютани замонавий технологик ускуналар сотиб олишга ишлатиш зарур. Иқтисодиётимиз келажаги, энг аввало, экспорт маҳсулоти ишлаб чиқариш ва уни жаҳон бозорларида сотишни қандай ташкил этишимизга боғлиқ.

Сессияда сўзга чиққан Президентимиз, шунингдек, икки палатали қонун чиқарувчи орган тузиш, республика Куролли Кучларини ислоҳ қилиш, халқ депутатларининг сиёсий фаоллиги ва жамиятдаги ролини ошириш билан боғлиқ масалалар хусусида ҳам тўхталдилар.

Шундай қилиб, Иккинчи қаҳриқ Олий Мажлисининг иккинчи сессияси ўз ишини якунлади. Унда қабул қилинган қонунлар ва қарорлар жамиятимиз ҳаётини янада яхшилашга қаратилган. Эндиги вазифа ушбу ҳуқуқий ҳужжатларни ҳаётга жорий этишдир. Бунда жамиятимизнинг барча аъзолари фаол иштирок этишлари зарур.

Бугун – Халқаро болаларнинг ҳимоя қилиш куни



Ширинтойларимиз "БОҒИ ЭРАМ"да

Пойтахтимиздаги "Боғи Эрам" сайилгоҳида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб шодиёналар бўлиб ўтди. Республика ИИВ ШТБХ бўлим бошлиғи, ички хизмат подполковниги Ш. Ортиқов ички ишлар ходимлари фарзандларини байрам билан қутлар экан, уларни тортинмасдан ўйнаб-қулишга, яйрашга чақирди.

Шўх-шодон кўшиқларга мос рақсга тушиб, кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлган болажақларнинг ажиоиб ўйинчоқлар совға қилинди. Шу кун боғдаги аттракционлар болаларга бепул хизмат қилди. Барча ширинтойлар музқаймоғу салқин ичимликлар билан сийланди. Бо-

лакайларнинг, уларга қараб ота-оналару бува-бувиларнинг ҳам шодликлари чексиз эди. Кечгача боғда шўх-шодон қий-чув тинмади.

Жаҳон футбол қироли Пеле ўзининг хайрлашув ўйини охирида томошабинларга қараб: "Болаларни севинглари!" деб майдондан йиғлаб чиқиб кетган экан. Ҳа, болаларни севган инсон ҳаётни севади, урушдан ҳазар қилади. Болаларни севган инсон яратувчилни ўзига касб қилиб олади. Илоҳим, дилбандларимизнинг ҳар бир кун байрам бўлсин, қувончга тўлсин.

Ўз муҳбиримиз.

Шу сонга хабар

Кун кеча Ўзбекистон Футбол федерацияси ижроия қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишга клублар президентлари, жамоалар бош мураббийлари, вилоятлар футбол федерацияларининг раҳбарлари, мутахассислар, фахрийлар таклиф этилди, шунингдек, қатор вилоятлар ва шаҳарларнинг ҳокимлари иштирок этдилар.

Йиғилишда энг оммавий спорт тури бўлмиш футболнинг келгусидаги ривож ҳақида кескин ва қатъий фикр юритилди.

Ўзбекистон Футбол федерацияси президенти, республика Ички ишлар вазири Зокиржон Алматов йиғилишда иштирок этди ва сўзга чиқди.

Обуна-2000

Республикаимиздаги барча муассасалар қатори Фарғона вилоятидаги ички ишлар идораларида ҳам йилнинг иккинчи ярми учун газета ва журналларга обуна қизғин давом этмоқда. Фарғона вилоят ички ишлар бошқармаси жазони ижро этиш муассасаси ходимлари шу кунгача "Қалқон", "Шит" журналлари ва "Постда" газеталарининг ҳар бирига 147 тадан обуна бўлдилар "Вақт" газетасига эса 155 киши обуна бўлди.

Ходимларимиз орасида обуна давом этмоқда.

А. ҲОҚОВ,
ички хизмат майори.

Бугун ИИБ Қоровул қўшинларининг яна бир ҳарбий жамоасида байрам. Ш. Чиналиев сардорлик қилаётган бўлинманинг ёш аскарлари халққа, Ватанга, Президентга содиқ бўлишга қасамёд қилиптилар. Автоматини дадил тутиб, лекин ҳаяжонини зўрга яшириб турган ўғлонлар сафига тикилар эканман беихтиёр шеър қуйилиб келди:

**Қутлуғ бўлсин, аскарлик
Камарини боғлабсан.
Ўз-ўзингни элу юрт
Хизматига чоғлабсан.**

Шаҳдам қадам ташлаб келиб, қасамёд матнини қўлингга олиб, қуролдошларингга ўгирилиб сидқидилдан онт ичяйсан, аскар ўғлон. Энди хизмат машаққатларини ўз ихтиёринг билан зимманга оляйсан, бунинг тасдиғи учун имзо чекайсан.

**Энди нонушта чоғи
Қўрпача йўқ, болиш йўқ.**

ЙИГИТ СЎЗИДАН ҚАЙТМАС

**Энди бўлар-бўлмасга
Хархаша йўқ, болиш йўқ.**

Сен Конституциямизни, қонунларимизни муқаддас билишга, сардорлар ва бошлиқлар буйруқларини сўзсиз бажаришга қасамёд қилиясан.

**Сардор — отанг буюрса,
Ўртага тушмас онанг,
Бажарасан, вассалом!
Ўтмас сабаб, баҳонанг.**

Аммо шуни ҳам билиб қўйки, шу ўтган бир ой ичида сенга ҳарбий хизмат алифбосини ўргатган, талабчан, қаттиққўл, айти пайтда ғамхўр сардорларинг бир ярим йиллик хизматинг давомида отананг ўрнини босади. Улар сенга берадиган ҳар бир буйруғи учун қонун олдида жавобгардир.

Ҳарбий хизматнинг бутун машаққат ва қийинчиликларини са-

(Репортаж)

бот билан енгилга сўз берайсан. Ҳа, хизматнинг иссиғи бўлади, совуғи бўлади, баъзан уйқусиз тун ўтказарсан. Нима бўлганда ҳам:

**Тош келса кемирасан,
Сув келса симирасан.
Бир терида минг озиб,
Минг бора семирасан.**

Мана, қоровул қўшинлари фахрийси С. Буличёв сизларни табриклаб туриб, байрамга ташриф буюрган ота-оналарга қарата "Тез-тез хат ёзиб, ўғилларингизни руҳан қўллаб турунглари" деб бекорга айтмади. Чунки энди:

**Соғинч нима, юрт нима
Маънисига етасан.
Қуролдош дўстинг деб гоҳ
Ўзингдан ҳам кечасан.**

Бу гапларни ўқиб ёки эртага бошланадиган жанговар хизматнинг илк машаққатларини қўриб ўзингни йўқотма, ваҳимага тушма:

**Ҳеч чўчима, ҳадемай
Аскар бўлгинг аломат.
Ишончинг бардам бўлсин,
Жонинг бўлсин саломат.**

Шуни унутмагинки, бу қасам-ёдни сен бир ярим йилга эмас, бир умрга ичдинг. Хизматни битириб кетганингдан кейин ҳам Ватан, халқ чорласа, унинг ҳимоясига токи сўнги нафасинггача тайёр бўлишинг керак. Яна шуни унутмаки, сен қонунларни, халқни ўртага қўйиб онт ичдинг. Арслон изидан, йигит сўзидан қайтмас.

Олис ва қадим Бухородан келган бобонинг, қўқонлик момонинг гаплари ҳам ёдингга бўлсин. Улар

"Юзимизни ерга қаратмай, бошингизни баланд кўтариб уй қайтинглар" деб тайинлашди-я.

Мана, қуролдош дўстларинг билан елкама-елка, шаҳдам қадам ташлаб ўтаёйсан. Ҳаяжонданми, тажрибасизликданми битта-яримтанг чалкаш қадам ташлаб ҳам қўйдинг. Аммо тезда ўзингни қўлга олдинг.

**Бир-икки, бир-икки-уч,
Сафда чалкаш юрмагин.
Урушга тайёр туру,
Фақат уруш кўрмагин.
Бир-икки, бир-икки-уч,
Элимнинг қанотисан.
Алтомину Гўрўғли,
Темурлар зурёдисан.
Бир-икки, бир-икки-уч,
Оллоҳ ўзи ёр бўлсин.
Ватан ҳимоясида
Пирлар мададкор бўлсин.**

**Бобомурод ТОШЕВ.
2000 йил 27 май.**

Маълумки, Америка Қўшма Штатларининг Сизтл шаҳри пойтахтимиз Тошкент билан дўстона алоқа ўрнатган бўлиб, ўзаро ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда. Яқинда Сизтл шаҳри полиция департаменти масъул ходимларидан иборат делегация ташрифи ҳам бунинг ёрқин ифодасидир.

Делегация аъзолари Ҳамза ва Чилонзор туманлари маҳаллаларида бўлиб, профилактика инспекторларининг иш фаолияти билан атрофлича танишдилар. Де-

КЎПНИНГ ҲАҚИ ТЕШИБ ЧИҚАДИ

Республикамиз ҳудудида мавжуд бойликлар халқ мулки. Уларни асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиздир. Вилоят ДАН ходимлари ҳам бу борада самарали ишлар олиб боришяпти. Жумладан, шу йил 7 май куни Андижон-Наманган йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган 17 АА 008 давлат белгили "Икарус" автобуси текширилганда, 200 кг.дан ортиқ рангли металл парчалари вилоятимиздан олиб чиқиб кетилаётгани маълум бўлди. Ачинарлиси, металлфуруш аёллар – Андижон вилояти Булоқбоши туманида яшовчи опасингил Муқаддас ва Маърифат Тиллаева ҳамда Умида Собировалар экан.

5 май куни эса Наманган шаҳрида ҳаракатланиб бораётган 17 С 0771 давлат белгили автомашина милиция ходимлари томонидан тўхтатиб текширилганда, 250 кг.дан зиёд рангли металл парчалари Андижон вилоятига олиб чиқиб кетилаётгани аниқланди. Юртимиз бойлигини талон-торож қилишга уринган шахс Андижон вилояти Хўжабод қишлоғида яшовчи Дилфуза Мадраҳимова бўлиб чиқди.

Норин туманидаги "Бешарик" ДАН масканида "Икарус" русумли 63-84 НАЛ давлат белгили автобус тўхтатиб текширилганда, 100 кг.дан ортиқ рангли металлнинг ноқонуний олиб чиқиб кетилаётгани маълум бўлди. Металлфурушлар Фарғона вилояти Қува туманида яшовчи Тожи-

хон Тошпўлатова ҳамда Бозорбой Ёкубовлар эканлиги аниқланди.

Давлатбод туманидаги "Ангор" ДАН маскани ходимларининг ҳушёрлиги туфайли ҳам 70 кг.дан ортиқ рангли металл бойлигини вилоятимиздан четга олиб чиқиб кетилишига йўл қўйилмади. Металлфуруш Наманган шаҳрилик Гавҳар Қодиров экан.

Айниқса, Тохиржон Мирзабобоев, Мўминжон Отахонов, Муродилло Холбобларнинг қилмишлари ҳаммасидан ошиб тушди. Улар 9 май байрами арафасида милиция ходимлари дам олади деб ўйлашганими, оз эмас, кўп эмас уч тоннадан ортиқ рангли металл парчаларини вилоятимиздан олиб чиқиб кетмоқчи бўлишди. Бироқ ДАНБ ходимларининг серақлиги шарофати билан уларнинг қилмиши фош бўлди.

Юртимиз бойлигини асраб-авайлаш, мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш борасида изчил ҳаракатлар қилинаётган бир пайтда юқоридаги каби айрим шахсларнинг арзimas даромад илинжида халқ мулкини ўмаришлари, жиноятга қўл уришлари гоёат ачинарлидир. Бироқ эл-юртнинг ризқини, халқимиз бойлигини ҳеч бир баднафс кимса еб кетолмайди. Мабодо еб кетишса ҳам, кўпнинг ҳақи бир кунмас бир кун тешиб чиқади.

**Ҳ. АБДУРАҲМОНОВ,
Наманган вилояти ИИБ
матбуот гурӯҳи ходими.**

СИЭТЛ ПОЛИЦИЯЧИЛАРИ ТОШКЕНТДА

Меҳмонлар пойтахт ички ишлар идораларида амалга оширилаётган ислохот жараёни, Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга тадбиқ этилаётган "Жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш" Концепциясининг бир йиллик якуни бўйича бажарилган ишлар билан яқиндан танишдилар. Концепция талабларига мувофиқ

рўй берган ўзгаришлар, айниқса, милиция таянч шохобчалари, маҳалла посбонлари, яраштирув комиссиялари, аёллар кўмиталарига алоҳида эътибор қаратишди. Милиция ходимларининг маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик билан ўзаро узвий ҳамкорликда олиб бораётган ишлари улар учун ўзига хос янгилик бўлди.

партамент масъул ходимлари Кен Кондер ва Шейла Хоргешимерлар Юнусов ва Чилонзор маҳалласи фаоллари билан қизгин суҳбат ўтказишди. Меҳмонларда оила-турмуш муносабатлари доирасида содир бўлаётган жиноятларнинг олдини олишда маҳалла мавқеи, ҳамжihatликда олиб борилаётган ишлар самарадорлиги, ошиб бораётгани айниқса, катта таассурот қолдирди.

Америкалик биродарлар Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг "Ўзини-ўзи бошқарув органлари ҳузуридаги яраштирув комиссиялари" тўғрисидаги қарори билан алоҳида танишиб чиқдилар. Ушбу комиссияларнинг оиладаги низолар, содир этилиши мумкин бўлган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги ролига юксак баҳо беришди.

**А. ҲАКИМОВ,
милиция капитани.**

Ш. ИКРОМОВ.

Суратда: делегация аъзолари ташриф чоғида.



"ҚЎРИҚЛАШ" БИРЛАШМАСИ ХАБАРЛАРИ

Сирдарё вилояти Сайхунбод туманида яшовчи фуқаро М. Ф.нинг уйдан умумий нархи 11.000 сўмлик гиламни ўғирлаб кетишди. Олиб борилган тезкор қидирув ишлари натижасида мактабларнинг бирида қоровул бўлиб ишловчи Х. Ш. ушланди.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги қабристондан қабр атрофига ўрнатилган алюмин панжарани бузиб олиб кетмоқчи бўлган фуқаро Д. Ч. ушланди. Бу тадбирда Ҳамза тумани ҚБ 3-МКП ходимлари милиция лейтенанти О. Наврўзов, милиция катта сержантлари Б. Эгамбердиев ва Н. Аликуловлар, милиция сержанти Ж. Тошхўжаев фаол қатнашди.

Тошкент шаҳар Миробод туманида қўриққа олинган хонадонларнинг биридан туман ҚБнинг 1-МКПга ташвиш хабари тушди. Ходимлар милиция катта лейтенанти А. Бобобеков, милиция катта сержанти В. Рустамов, милиция кичик сержантлари А. Раҳматуллаев ва А. Темировлар зудлик билан воқеа жойига чиқишди. Хонадонга ўғирлик мақсадида кирган В. А. ва Ж. Р.лар қўлга олинди.

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри автобус бекатларининг бирида савдо дўкони эшигини номаълум киши махсус темир мослама ёрдамида бузиб кириб ўғирлик жиноятини содир этмоқчи бўлди. Аммо тунги "Сирена" тадбирида хизмат вазифаларини ўтаётган Термиз шаҳар ИИБ милиция ходимлари ва ҚБ оддий милиционерни Б. Сатторкулов бу кимсанинг ниятини пучга чиқаришди.

Бухоро шаҳрининг Б. Нақшбандий кўчасида фуқаро К. Н.нинг бўйнидаги тилла занжирини ва қўлидаги бир дона сирғасини номаълум шахс олиб қочиб кетаётганида ҚБ ходими милиция кичик сержанти У. Авезов томонидан ушланди. Юлғич энди қилмишига яраша жавоб беради.

**Ҳусниддин ХЎЖАЕВ,
милиция лейтенанти.**

ДАН ҳаётидан

ҲАЗОРАСП туманида ўтказилган кенг қамровли "Тозалаш" тадбирига вилоятдаги ички ишлар идораларидан 400 нафарга яқин ходим жалб қилинди. Улар орасида бир неча йиллардан буён ҳалол хизмат қилиб келаётган вилоят ИИБнинг ДАНБ ИПХ нозири, милиция сержанти Мақсудбек Рўзметов ҳам бор эди. Унга туман маркази ҳамда "Ўзбекистон" жамоа хўжалигига кетувчи йўлларда транспорт ҳаракатини назорат қилиш топширилди. ДАН ходими ҳар бир

автомашина ҳаракатини диққат билан кузатар, қоидабузарлик содир қилган ҳайдовчиларни тўхтатиб, қонуний тартибда ҳужжат расмийлаштирадир. Соат тахминан кечки 18ларда давлат рақамсиз, йўл ҳаракати қоидаларини бузиб келаётган ВА3-2106 русумли автомашина ДАН ходимининг эътиборини тортди. Мақсудбек дарҳол

унга тўхташ ишорасини қилди. Аммо автомашина ҳайдовчиси ДАН ходими ёнига яқинлашганида тезликни оширди. Мақсудбек Рўзметов

йўлларни назорат қилиб юрган Ҳазорасп туман ИИБ ДАНБ ИПХ катта нозири, милиция капитани Қадам Собиров ДАН ходимини

ОЁҒИ ҚАЛТИРАГАН ҲАЙДОВЧИ



судраб кетаётган автомашинага кўзи тушиб қолди. У дарҳол ёнидаги ҳамроҳи билан давлат рақамсиз автомашина-

гандан ДАН ходимлари тузоғига илинди. "Айби борнинг оёғи қалтирайди", деган заридек, ҳайдовчи гиёҳвандлик билан шуғулланганлиги учун ДАН ходимидан қочган экан. Ҳайдовчининг ёни ҳамда у бошқарувидаги автомашина текшириб

қўрилганида 11,7 г героин гиёҳвандлик моддаси топилди. Оёғи қалтираган ҳайдовчинини қўлга олишда вилоят ИИБ ДАНБ бўлини-ма сардори, милиция майори Аҳмаджон Бекчоновнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

Гиёҳвандлик билан шуғулланиб, "қуён" бўлишга уринган бу

нинг изига тушди. Шу пайт ҳайдовчи 400 метрлардан судралиб келаётган ДАН ходими Мақсудбек Рўзметовнинг қўлларига уриб, уни машинадан ажратишга му-

ҳайдовчи ҳазорасплик Ш. Ж. экан. Айни кунда у қилмишига яраша жавоб бермоқда.

Х. ЖАБОРОВ.

"ТҮР"ГА "НАҲАНГ"ЛАР ИЛИНМАДИ, АММО...

Республика Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги ва Бирлашган тахририятнинг қўшма рейди

Биз доимо асраб-авайлашга интилаётган, кундалик ҳаётимизда эъзозлаб тилга олаётган она-табиат беқиёс бойликлари, туганмас заҳиралари билан гўзал ва қадрлидир. Маълумки, ҳар йили белгиланган муддатларда балиқларнинг урчиши, ҳайвон ва қушларнинг кўчиши муносабати билан балиқ

хўжаликлари ҳавзаларидаги балиқ заҳираларидан унумли фойдаланиш мақсадида уларни овлаш тақиқлаб қўйилди. Аммо шунга қарамай баъзи фуқароларимиз браконьерлик йўли билан ҳайвонлар ва балиқларни овлаш, балиқ маҳсулотларини сотиш, сотиб олиш билан шугулланиб, қонунбузарликка йўл қўядилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ва Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси "Давлатбионазорат" инспекцияси ҳамкорликда балиқларнинг ноқонуний овланишининг олдини олиш, браконьерликка қарши курашиш, шунингдек, қорхона ҳамда фуқаролар томонидан табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида "Тўр" деб номланган махсус комплекс тадбир режасини ишлаб чиққан. Унга кўра юқоридаги талабларга риоя этилишини назорат қилиш, текшириш ва чора-тадбирлар белгилаш мақсадида ички ишлар идоралари рухсат бериш тизими ва милиция участка нозирлари, табиат муҳофазаси билан шугулланаётган масъул ходимлар, "Давлатбионазорат" инспекцияси назоратчилари, овчилар ва балиқчилар жамиятлари аъзоларидан иборат гуруҳлар тузилиб, тегишли йўналишлар бўйича муайян ишлар қилинади. Бундай режалар бу йил ҳам белгиланиб, жойларда изчиллик билан амалга ошириляпти. Чора-тадбирлар кўриш республикадаги мавжуд сув ҳавзаларида балиқларнинг уруғланиш вақтига қараб йил бўйи давом эттирилади. Ўз олдига бу борадаги вазифалар қай даражада удаланаётганини аниқлашни асосий мақсад қилиб қўйган рейд бригадамиз йўлга чиқди.

Жиззах вилоятининг

Дўстлик туманидан ўтгач, Арнасой даштлари бошланади. Белгиланган манзилга етгунча камида 35-40 чақирим йўл юриш керак. Енгил машинада дашт бўйлаб, тепаликлар оша бораёпмиз. Баъзан кичик қўллар учраб туради, уларнинг айримлари куриб, шўри кўриниб қолган.



Суратда: "Сирдарё" сув ҳавзалар инспекцияси Бекобод участкаси давлат назоратчиси Ф. Аширматов (чапдан), "Сирдарё" сув ҳавзалар инспекцияси бошлиғи О. Ли, милиция подполковниги Р. Аширматов ва "Тузкон" таянч гуруҳи бошлиғининг муовини И. Ивановлар мусодара қилинган тўрни кўздан кечиришяпти.

— Мана шу симёғочларни мўлжалга олиб юрсак тўғри ғарбий Арнасой кўл станциясига олиб боради, — деди рулни бошқариб бораётган ҳамроҳимиз, "Сир-

лар қўргонида ташвиқотлар олиб бораётганимиз ўз натижасини бераёпти. Қонунбузарликлар аввалги йилларга нисбатан кам кузатилмоқда.

Эътиборимизни чўл ўртасидаги кўл станцияси ва инспекция жойлашган бинодаги шинам хона тортди. Бу ерда электр токи мав-

кузатилди. Аммо "наҳанг"лар — браконьерлар қўлга тушмади. Милиция подполковниги Алишер Ўролов 6 май куни тошкентлик нафақадор Тешабой Толипов бировнинг автомашинасида 490 кило балиқни Чиноз бозорига сотиш учун олиб кетаётганда, 16 май куни Жиззах шаҳридаги "Кўкбозор" ҳудудига фуқаро Қолдибек Нуруллаев автомашинада 80 кило балиқ келтирганда, Жиззах туманида истиқомат қилувчи Холмурод Низомов эса 64 кило балиқни ноқонуний равишда олиб кетаётганда қўлга олиниб, ушбу маҳсулотлар мусодара қилинганини гапириб берди.

Айдар, Арнасой сув ҳавзалари инспекцияси томонидан Арнасойга ўхшаш яна учта кўл назорат қилинади. Шулардан бири "Тузкон" дир. Шуни айтиш лозимки, ястаниб ётган тоғлар бағрига жойлашган бу кўл шаффофдек тиниқлиги билан ажралиб туради. Тунлар салқин, шаббодларда. Тонгга яқин узоқларда қумрилар сайрайди. Турли-туман қушлар учиб ўтади.

"Тузкон" кўли таянч шохобчаси бошлиғининг муовини Иван Иванович Ивановнинг айтишича, бу ерда зоғора, судак, лаққа, вобла, дўнгпешона, чўртанбалиқ каби ноёб балиқлар бор. "Ўзбалиқ" давлат акциядорлик корпорацияси "Жиззахбалиқ" очик турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳар йили балиқларни урчишиб, кўпайтириш чораларини кўрмоқда. Инспекция ходимлари эса балиқ

жуд бўлиб, деразаларга совуткичлар ўрнатилган, телевизор, радио, бир чеккадаги жавонда кўчма кутубхона мавжуд. Кўриниб турибдики, ишлаш учун барча шароитлар муҳайё.

Биргаликда режа белгилаб олгач, иккита моторли қайиқда давлат назоратчиси Кўчқор Эрматов, Бахдавлат Утенбоев, милиция подполковниги Алишер Ўроловлар билан кўлни айландик. Анча юргандан кейин атрофни дурбинда кузатаётган Бахдавлат Утенбоев соҳилга яқинроқ жойда елим ш и ш а г а ўхшаш нарсалар қалқиб турганини кўриб қолди.

— Шу яқин ўртага тўр қўйилганга ўхшайди, — деди у нигоҳини ўша томондан узмай. — Қани, соҳил томонга ҳайдан!

Бир зумда қайиқлар ўз йўналишини ўзгартириб, яна елиб кетди. Давлат назоратчиси янглишмаган эди. Ҳақиқатан ҳам елим шишанинг учига тўр боғланган экан. Унга илинган балиқлар авайлаб чиқариб олинди.

— Бу тўрнинг эгаси қарда? — сўраймиз назоратчилардан.

— Бирор жойда пушиб ўтирган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Агар келиб учрашса маъмурий жавобгарликка тортилади, келмаса тўр мусодара этилади.

Шу куни балиқларни ноқонуний овлаш билан боғлиқ яна уч-тўрт ҳолат

маиятига топширилган. — Мана булар шу яқин орада фуқаролардан олиб қўйилган, — деди Иван Иванович омборда сақланаётган турли-туман тўрларни кўрсатиб. — Улар рўйхатга олиниб, давлатга топширилади.

Яна моторли қайиқларда кўлни айландимиз. Браконьерлар кўринмайди, тўрлар ҳам. — Қувончлиси, кейинги пайтда тўр ёки тақиқланган воситалар билан катта миқдорда балиқ оловчи кишилар учрамаяпти, — деди қайиқни моҳирона бошқариб

бораётган Бекобод участкаси давлат назоратчиси Фурқат Аширматов. — Бизнинг участкада ҳам шундай ҳолат кузатилмоқда. "Тузкон" ҳавзасидан қайтаётганда "Сирдарё" сув ҳавзалар инспекцияси фалити билан ҳам яқиндан танишдик. Шу йилнинг



Браконьерлар одатда ана шундай "ишлашади".

овлаш қоидаларига амал қилинишини назорат қилишди.

Ҳисобот билан қизиқдик. Йил бошидан 1 майгача 45та ҳолат аниқланган. Ўн кишига маъмурий чора кўрилиб, улардан 59960 сўм жарима, шунингдек 39550 сўм давлатга келтирилган зарар ундириб олинган. Шу даврда 667 кило, яъни 98.780 сўмлик балиқ мусодара қилиниб, "Жиззахбалиқ" акциядорлик жа-

миятига топширилган.

— Мана булар шу яқин орада фуқаролардан олиб қўйилган, — деди Иван Иванович омборда сақланаётган турли-туман тўрларни кўрсатиб. — Улар рўйхатга олиниб, давлатга топширилади.

Яна моторли қайиқларда кўлни айландимиз. Браконьерлар кўринмайди, тўрлар ҳам.

— Қувончлиси, кейинги пайтда тўр ёки тақиқланган воситалар билан катта миқдорда балиқ оловчи кишилар учрамаяпти, — деди қайиқни моҳирона бошқариб



Назоратчилар "Тузкон" кўлини кўздан кечириб келишди.

бораётган Бекобод участкаси давлат назоратчиси Фурқат Аширматов. — Бизнинг участкада ҳам шундай ҳолат кузатилмоқда.

"Тузкон" ҳавзасидан қайтаётганда "Сирдарё" сув ҳавзалар инспекцияси фалити билан ҳам яқиндан танишдик. Шу йилнинг

беш ойи мобайнида 167та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, фуқаролардан 305638 минг сўм жарима ва етказилган зарар ундириб олингани маълум бўлди. Чинозлик А.

беш ойи мобайнида 167та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, фуқаролардан 305638 минг сўм жарима ва етказилган зарар ундириб олингани маълум бўлди. Чинозлик А.

беш ойи мобайнида 167та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, фуқаролардан 305638 минг сўм жарима ва етказилган зарар ундириб олингани маълум бўлди. Чинозлик А.

беш ойи мобайнида 167та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, фуқаролардан 305638 минг сўм жарима ва етказилган зарар ундириб олингани маълум бўлди. Чинозлик А.

Қаршибоев, Ж. Фуломов, бўкалик И. Харченко, Келес шаҳридан А. Пардабоев, "Олим" фермер хўжалигидан Б. Мираевлар тақиқланган воситалар ёрдамида балиқ овлаётганда ушландилар. Уларнинг барчасига жарима солинди.

Хўш, рейд натижаларинимани кўрсатди? Аввало шуни айтиш лозимки, жойларда республика ички ишлар идоралари ходимлари, "Давлатбионазорат" инспекцияси назоратчилари балиқларнинг урчиши пайтида сув ҳавзаларини етарли даражада назорат қилишяпти. Ўрни келганда бир муаммони ўртага ташламоқчимиз. Бозорларда балиқ ва балиқ маҳсулотлари сотилишини тартибга солиш учун савдо қилишга туман ва шаҳар ҳокимликларидан рўйхатдан ўтган, санитария талабларига жавоб берувчи жиҳозларга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларга рухсат берилган. Шу муносабат билан жойлардаги ҳукумат вакиллари, республика ИИБ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси зиммасига балиқ ва балиқ маҳсулотлари

савдоси қоидалари бузилишини аниқлаш мақсадида бозорлар ва шохқўчаларни мунтазам текшириб бориш вазифаси юклатилган. Лекин доимий рейдлар ўтказилиб, тушунтириш ишлари олиб борилишига қарамай бозорларда балиқ савдоси қоидалари бузилаётгани аниқланмоқда.

Мутасадди идоралар назоратни янада кучайтиришларини истардик.

Таҳлиллар шуни ҳам кўрсатдики, табиат қонунчилигининг бузилиши, шунингдек, йўл қўйилмайдиган муддатларда ва тақиқланган воситаларда балиқ овлаш, балиқ маҳсулотларини сотиш ва сотиб олиш ҳолатлари ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада камайгани кузатилди. Фуқароларимиз табиатни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш муқаддас бурч эканини англаб етаётган эканлар, бундан фақат қувониш керак.

О. ЛИ,
"Сирдарё" сув ҳавзалар инспекцияси бошлиғи.
Р. АШИРМАТОВ,
республика ИИБ ЖТСБ рухсат бериш тизими бўлими бошлиғи, милиция подполковниги.
Б. АТАБЕКОВ,
милиция лейтенанти.
Ж.ҒОИПОВ, С.ШОДИЕВ,
Бирлашган тахририят мухбирлари.

ОГУФУРУШЛАРНИНГ ПАЙИ ҚИРҚИЛМОҚДА

“Қорадори-2000”

Зайниддин ота томорқаси этагида етиштираётган кўкнорлар оралаб юрар экан:

— Бу йилги ҳосилнинг чўғи ёмон эмас, агар ишимиз ўнгидан келса, пичоғимиз мой устида деявер, онаси, — дея ал-вон ранг гулларини тўкаётган кўкнорлардан келадиган фойдани ўзича чамалаб кўриб хурсанд энтикиб қўйди.

Бироқ ҳар нарсаса қизиқувчан, содда кампирининг:

— Кеча радиодан эшитиб қолдим, ҳатто бир туп кўкнорми, нашоми ўстирганлар ҳам гиёҳфуруш ҳисобланар экан. Қариган чоғингизда савоб ўрнига гуноҳга ботманг, дадаси, келинг, шу кўкнорларни ўзимиз юлиб ташлайлик, — дея ёлворишига қарамай, Зайниддин ота:

— Нафасингни ел учирсин. Ахир, бунинг ҳар бир тупи пул туради-ку, юлиб ташлар эмиш, — деб кампирини жеркиб берди. Эшик “тиқ” этса юрагини ҳовучлаб, хавотир аралаш безовта бўлиб тунларни бедор ўтказётган кампир

эшик кўнғироғининг жиринглашидан чўчиб уйғонди. Остонада ички ишлар ходимлари туришар эди. Зайниддин ота оппоқ соқолини ҳурмат қилишларини, кўкнорларни фақат дорилик учун етишти-раётганлигини ҳарчанд тушун-тирмоқчи бўлмасин, милиция ходимлари инсон соғлиғига кучли таъсир этувчи оғуни ўз уйида яширинча ўстираётган отахоннинг қилмишларини фош этдилар. Кўкнорларни эса отахон — ўз қўллари билан юлиб ташлади.

— Кейинги вақтларда фуқароларимиз томонидан инсон саломатлиғига кучли таъсир этувчи кўкнори ва нашо ўсим-ликларини ўз хонадонларида етиштираётганликларининг кўплаб гувоҳи бўлмоқдамиз, — дейди биз билан суҳбатда Тош-кент вилояти ИИБ ЖКБ бўлим бошлиғи, милиция под-полковниги Сайдулла Саитов. — Энг ачинарлиси эса бу ишга қўл урганларнинг аксарияти ҳаётнинг аччиқ-чучукларини бошидан кечирган, ёшларга

йўл-йўриқ кўрсатиб тўғри йўлга солиши лозим бўлган отахон ва онахонлардир.

Бугунги кунда гиёҳвандлик аср вабосига айланганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ҳам, бутун дунёда “оқ ажал” уруғининг тарқатилиши, етиштирилиши ва олди-сотди-сига қарши кескин кураш олиб борилмоқда.

Тошкент вилоятида ҳам кенг қамровли “Қорадори-2000” тадбири юқори савияда ўтказилмоқда. Тадбир давоми-да асосий эътиборни гиёҳван-длик воситаларни гайриқону-ний равишда етиштираётган, мўмай пул эвазига ҳатто виж-донини ҳам сотувчи оғуфуруш-ларнинг қирқдорларини фош этишга қаратмоқдамиз. Бу эса ўз самарасини бериши табиий. Тадбир бошлангандан буён эса бир қанча майдондаги гиёҳ-вандлик ўсимликлари йўқ қилинди.

Тошкент вилояти айрим Ҳамдустлик давлатлари билан чегарадош. Ходимларимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли қўшни Тожикистон Респуб-ликасида вилоятимиз ҳудуди орқали бошқа давлатларга

олиб ўтилаётган кўплаб гиёҳ-вандлик воситалари аниқла-ниб, тарқатилишининг олди олинмоқда. Йил бошидан буён 223 та жиноий иш қўзғатилди.

Бекобод шаҳрида Тожики-стон фуқаролари Ё. Хуршид ва А. Гулмиралар 1 кгдан ортиқ героин гиёҳвандлик моддаси-ни олиб кетаётганликлари маълум бўлди. Осойишталик посбонлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар на-тижасида ушбу оғу уларнинг сумкасида топилди.

Бекобод туманида ички иш-лар ходимларининг диққатини Татаристон фуқароси А. Т. ўзига жалб қилди. Текширилганда унинг ёнида 1 кг 169 г героин гиёҳвандлик моддаси борлиги маълум бўлди.

Оҳангарон туманида О. Му-заффар ёнидан 1 кг 0,35 г ге-роин олинди.

Дарҳақиқат, гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний етиштириш жиноят ҳисобла-нар экан, бу гирдобга тушиб қолмасликка ҳаракат қилай-лик.

М. СУЛТОНОВА,
Тошкент вилояти
ИИБ инспектори.

ҒАЛЛА МАВСУМИНИ ЁНҒИНСИЗ ЎТКАЗАЙЛИК!

Республикада етиштирилаётган ғалла ҳоси-лини нест-нобуд қилмай, беталафот ва ўз вақтида йиғиштириб олишда ёнғин хавфсизлигига риоя этиш муҳимдир. Шу ўринда ғаллакорларимизга қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларини эсла-тиб ўтаемиз:

- ғаллазорларни комбайннинг бир кунлик ўриш меъёри ҳисобида майдонларга бўлиш керак;
- автомобиль ва темир йўллари билан ғалла-зорлар оралиғида 8 метрдан кам бўлмаган кенг-ликда йўлақор очилиб 4 метр кенгликда шудгор қилиниши шарт;
- вақтинчалик дала шийпонлари ва ошхоналар ғаллазор, хашак ғарами ва хирмонлардан 100 метр масофада жойлаштириш керак;
- ўрим майдонлари, хирмонларда чекиш қатъ-ян тақиқланади, ғаллазорлардан ташқарида махсус чекиш жойлари бўлиши керак;
- гулхан ёқиш, бошоғи олинган сомонларни ёқиш умулан тақиқланади;
- ҳосилни йиғишда ёқилғи, ўт олдириш ва мой-лаш тармоқлари соз бўлган трактор, комбайн ва автомобиллар қатнашиши лозим;
- трактор, комбайн ва бошқа машиналарда ёқилғи қуйиш ишлари ғаллазорлардан ташқари-да, двигателни ўчирган ҳолда амалга оширилиши керак.

Биз юқорида кўрсатилган талабларга амал қил-ган ҳолда миллий бойлигимиз ғаллани беҳуда, ар-зимас сабаблар натижасида ёнғинлар содир бўлиб миллионлаб моддий зарарлар келтиришидан асра-ган бўламиз.

Дилмурод ВАЛИЕВ,
ички хизмат катта лейтенанти.

ҚАРОҚЧИ ЧОЛ

Эрталаб навбатчилик қисмига тушган хабарга кўра, Чирокчи туманидаги “Чорвадор” жамоа-ширкат ҳўжалигининг Еттисой қишлоғида яшовчи Парда Эшмуродовни номалум шахслар уриб, тан жароҳати етказиб, қўл-оёғини боғлашиб, унинг боқувида бўлган 142 бош қўй ва 32 бош эчкини даладан ҳайдаб олиб кетишган. Бу ҳолат жиноят-қидирув хизмати ходимларини оёққа турғизди. Вилоят ИИБ жиноят-қидирув бошқармаси 2-бўли-ми бошлиғи, милиция майори Қурбон Жабборов ҳар бир ходимга вазиятни чуқур ўрганиб, жино-ятни тез очишни қайта-қайта такрорларди. Да-лада сурув қаровсиз қолдирилган бўлса бошқа. Фуқаронинг бефарқлигига тўнкаб ўзингни овута-сан. Аммо, босқинчилик йўли билан бетайин ким-саларнинг бир отар қўй, эчкига эғалик қилиши...

Воқеа бир кун олдин шомга яқин сурув дала-дан қайтар чоғида содир этилган эди. Босқинчи-лар жиноят ҳадисини олганга ўхшарди. Дастав-вал гувоҳлар сўроқ қилинди. Улардан нотаниш кимсаларнинг юз тузлиши, кийим-боши сўрал-ди. Гувоҳларнинг синчковлиги жиноят фош эти-лишини тезлатди. Фоторобот асосида жиноятчи-лардан бирининг қиёфаси таниш кимсани эслат-ди. Жиноятчилар рўйхати киритилган дафтарга кўз югуртирилганда муқаддам чорва молларини ўғир-лаш жинояти билан икки марта судланган Тўхта-мурод Бекназаровнинг қиёфасига жуда ўхшаш чиқиб қолди. Гувоҳлар ҳам бундан олишди.

Аслида воқеа шундай кечганди. Косон тумани-даги Бўрихона қишлоғи биқинида юлғунзор бор. Қўй боқиш учун ўнгай жой. Изкуварлар шу юлғун-зор атрофида қўй боқиб юрган чўпонлар билан суҳбатлашди. Гувоҳ Исроил Ҳўжанафасов воқеа-нинг эртаси кун икки-уч киши бир сурув қўй, эчкини юлғунзор ичига ҳайдаб атрофга олазarak қараб юрганлигидан хайрон бўлди. Ахир, бу ат-рофдаги чўпонларни у яхши биларди-да. Дамод-дам юлғунзордан чиқмоқчи бўлган қўй, эчкини кесак отиб ичкарига ҳайдар, тез-тез теваракка кўз югуртирарди. Чўпон фотороботга нигоҳи тушиши билан таниди. “Бўри-ку бир-иккита қўйга зиён ет-казди, аммо бу икки оёқли “бўри”лар бир отар-нинг изига сув қуйганини қара-я”, деб юборди у.

Изкуварлар орадан бир ҳафта ўтгандан кейин жиноятни фош этишди. Жиноий гуруҳга бошқон бўлган Т. Бекназаров шериклари билан ўғирлаган 40 бош қўй-эчкини фуқаро Ибодулло Ҳамроевнинг қўнига, 80 бош қўй-эчкини эса Мухтор Намозов-нинг кўрасига яшириб қўйганлигини, қолганларини сотиб, пулини ўзлаштириб юборганлигини оғизмай-томизмай ҳикоя қилиб берди. Қўй-эчки-лар далилий ашё сифатида яширилган жойлардан топилди. Қарангки, жиноятчи Тўхтамурод Бекна-заров 67 ёшда. Бир этак набира-ю чевараларга суюкли бобо бўлиш ўрнига, одам тилга олишдан ор қиладиган жиноятни содир этиб юрибди. Тагин жиноий гуруҳга 5 нафар фарзанди бор ўғли Хусан-ни ҳам шерик қилган. Қария жиноий гуруҳи доми-га 28-29 ёшга кирган, бир неча фарзанднинг ота-си бўлган яна уч шахсни ҳам тортган. Қишлоқдош-лари ҳозир унинг ёшига номуносиб қилган қинғир ишидан уялиб юришибди.

Ў. ҲАЙДАРОВ.

Жиззах вилояти ИИБ хабарлари

“ТОМОРҚАДА КЎКНОРЗОРЛАР”

Ғаллазор тумани ИИБ ходим-лари гиёҳвандликнинг олдини олишда самарали тадбирларни амалга оширмоқдалар. Аниқлан-ган жойлардаги гиёҳванд ўсим-ликлари йўқ қилиниб, айбдорлар-га нисбатан тегишли чоралар кўриляпти.

Тумандаги Ёвбош қишлоғида яшовчи Турдимурод Мустанов ўз ҳовлисидаги 68 квадрат метр жойда кўкнор парвариш қилаёт-ганлиги аниқланди.

Шунингдек, унинг ҳамқишлоғи Синдор Саидов ҳам 30 квадрат метр ерда оғу ўстираётган экан. Бўстон қишлоғида яшовчи Исмон-қул Аллонов эса кўкнор экишда иштаҳаси зўрлардан чиқиб қолди. У ҳовлисининг ярмини кўкнори-зорга айлантираётган экан. Кўкно-ризорлар йўқ қилиб ташланди.

Даштобод шаҳрида яшовчи Шахринисо Примкулова томорқа-сида 8,8 квадрат метр жойда оғу етиштираётганлиги маълум бўлди. Жиззах тумани А. Навоий жамоа ҳўжалигида яшовчи Ортик Қодировнинг ҳам 4 квадрат метр

еридаги ноқонуний дехқончилиги-га чек қўйилди. Аниқланган барча ҳолатлар юзасидан қонуний чора-лар кўрилмоқда.

“САЁҲАТЧИ” ТОШБАҚАЛАР

Жиззах шаҳрининг Хайробо-д маҳалласида милиция майори То-либ Абдалиев бошлиқ тунги гуруҳ аъзолари “Самарқанд – Тошкент” йўналиши бўйича ҳаракатланаётган “Икарус” русумли автобусни кўздан кечириш учун тўхтатишди. Автобусдаги йўловчиларнинг акса-рияти пойтахтга саёҳат учун кети-шаётган экан. Машина юкхонаси-ни текшираётган милиция ходими.

— Ҳамма саёҳатчилар шу ерда экану, — деб юборди.

Юкхонага жойланган бешта қоп-да тўла тошбақалар бор эди. Су-риштирувда уларнинг эгаси топил-мади. “Саёҳатчи” тошбақалар рес-публикамиздан ташқарига олиб чиқиб кетиш учун Қизилқум чўла-ридан тугилгани маълум бўлди. Айбдорлар топилиб, жазоланиши аниқ. Ҳушёр милиция ходимлари жониворларни вилоят табиатни муҳофаза қилиш бошқармасига топширишди.

“АЛЮМИН ГИЛОСЛАР”

Тунги гуруҳ таркибида хизмат-да бўлган Жиззах вилояти ИИБ ДАНБ нозир, милиция старшина-си О. Раҳмонов катта йўлда ҳара-катланиб кетаётган “Жигули” ру-сумли 14 Е 59-93 давлат рақамли автомашинани тўхтатди. Автома-шина ҳайдовчиси Рустам Ялғашев милиция ходимига Тошкент бозо-рига гилос олиб кетаётганлигини айтди. Бироқ милиция старшина-си Олимижон Раҳмонов ҳайдовчи-нинг бу гапларига ишонмади. Чун-ки, гилослар жойланган қоғоз қути-лар пала-партиш тахланганлиги унда шубҳа уйғотди. Қутилар тек-ширилганда гилоснинг тагига 200 килограммдан ортиқ рангли ме-талл парчалари жойланган экан.

Самарқанд вилояти Пастдар-ғом тумани Гулобод қишлоғида яшовчи Абдуқодир Раҳмонов бош-қариб келаётган “Москвич” русум-ли автомашина “Манас” ДАН мас-канида тўхтатилиб текшириб кўрилганда автомашина йўловчи-си Тошкент вилояти Пскент тума-нида яшовчи Гулсара Рустамова тоғараларда гилос борлигини айтди. Лекин ҳушёр милиция хо-димлари тоғараларни ҳам кўздан

кечиришни унутмадилар. Машина-даги идишларда гилос ўрнига алюмин металл парчалари жойлан-ган экан. “Алюмин гилос” эгалари-га нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

“ПАССАЖИР” ҚЎЙЛАР

Фориш тумани ИИБ ДАНБ ЙПХ нозир, милиция катта сержанти Улғубек Холиқов дашт томондан келаётган “Волга” русумли автома-шинани тўхтатди. Ҳайдовчи сал нарида тўхтаб, тездан машинага тушиб келиб, икки қўли кўксига:

— Йўловчилар бор эди. Жиззах-га олиб кетяпман, — деди.

Ҳайдовчининг бу ҳолати Улғу-бекни шубҳалантирди. Чунки, одатда “шеф” машиналар ҳайдов-чилари рулда ўтирганча савол-жа-воб қилиб, ҳатто юкхонани очишга ҳам зўрға қўнишади.

Улғубек ҳайдовчининг ҳужжат-ларини кўздан кечириб, машинага яқинлашди. Ўриндиқда ҳеч ким кўринмади, лекин юкхонадан қўйнинг маърагани эшитилди. Маълум бўлишича бу “ҳўжатбарор” ҳайдовчи яйловда ўтлаб юрган қўйлардан бештасини ўғирлаб ке-таётган экан.

С. ШАМСИДИНОВ.

КИДИРИЛМОҚДА

Андижон вилояти Хўжабод тумани ИИБ томонидан қуйидаги шахслар жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда.



ЁШЛАР ТАРБИЯСИ – ВАЗИФАМИЗДИР!

каби масъулиятли вазифалар юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Республика ёшларининг "Камолот" жамғармаси билан биргаликда 2000 йилга мўлжалланган "Соғлом авлод йили учун" режа-тадбирини ишлаб чиқиб, жойларга юборди.

Ўтган давр мобайнида республикага ички ишлар идоралари томонидан тегишли давлат идоралари ва жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Ўтказилган тадбирлар давомида ҳуқуқбузарликлар

содир этишга мойил бўлган вояга етмаганларни аниқлаш, профилактик ҳисобга олиш ва улар билан тарбиявий ишлар олиб борилди.

Ҳуқуқбузарликлар қилган болалар ички ишлар идораларига олиб келинди, улар орасида мактаб ўқувчилари, ишламайдиган ва ўқимайдиган ёшлар борлиги ташвишлидир.

Буларнинг барчаси биз-

яшовчи, Фарғона енгил саноат техникуми талабаси вояга етмаган Ш. Умрзоқов ўзаро келишмовчилик ва жанжаллашиш оқибатида ўғай отаси бўлмиш Мамамирзаевга пичоқ билан танжароҳати етказиб ўлдирган.

Шунингдек, 1999 йил 24 декабрь куни соат 14.00 да Андижон вилояти, Балиқчи туманида яшовчи, ишламайдиган ва ўқимайдиган

вояга етмаганлар М. Жабборов ва У. Аҳмаджоновлар ўзаро жиноий тил бириктириб, Найманча қишлоғида яшовчи И. Абдуллаевни ўлдириб, унга қарашли шахсий "Тисо" машинасини олиб қочишган.

Кундалик ҳаёт мактабларда, ўқув юртларида ҳуқуқий тарбияни кучайтиришни талаб қилмоқда.

Маълумки, халқ таълими тўғрисидаги қонун қайта ишлаб чиқилиб, бу тизимда туб ислохотлар ўтказилди. Лекин вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик содир этилиши ҳоллари камаймаяпти. Афсуски, жиноятчилар таркиби йилдан-йилга ёшариб бормоқда.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир

2000 йил – Соғлом авлод йили

этилишига олиб келаётган асосий сабаблардан бири уларнинг жамиятга фойдали фаолият билан таъминланмаганлигидир.

Вояга етмаганларнинг ўқиш ва ишдан бўш вақтлари мазмунли ўтишини ташкиллаштириш масаласининг ҳал этилмаганлиги ҳам ечими ечилиши лозим бўлган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Ички ишлар идоралари профилактик ҳисобида турганлардан 11,0 фоизигина турли техник, спорт тўғралакларига жалб қилинган, холос.

Масалан, жазони ижро этиш муассасаларидан бирида жазони ўтаётган вояга етмаганлар билан анкетасўров ўтказилганда уларнинг атиги 12,0 фоизи жиноят содир этгунга қадар жамиятга фойдали фаолият билан шуғуллангани маълум бўлди.

Ҳозирги кунда республикада 292 та ўйингоҳ, 215 та спорт ҳавзаси, 7148 та спорт майдончалари ва 5457 физкультура ва спорт клублари фаолият кўрсатмоқда. Лекин, юқорида қайд қилинган спорт иншоотларининг кўпчилиги тижорат йўлига ўтиб кетишган, улардан арзон нарҳда ёхуд бепул фойдаланиш муаммолигича қолмоқда. Турли техник тўғралаклар, спорт секциялари, майдонлари, клубларни давлат тасарру-

фига ўтказиш фойдадан холи эмас.

Ҳозирда айрим болаларнинг ўқишдан бўш вақтларини бекор ўтказишлари оқибатида улар ўртасида жиноятлар содир этиш ҳоллари кўпайиб бормоқда.

Бандлиги таъминланмаган ўсмирлар ҳар хил норасмий диний-экстремистик ташкилот ва оқимлар таркибига кириб қолаётти. Ана шундай болалардан 179 нафари аниқланди. Улардан 122 нафари ички ишлар идораларида профилактик ҳисобига олинган.

Бугунги кунда жамиятимизда юзага келаётган салбий ҳолатларнинг асосий қисмида ёшлар иштирок этмоқда. Жами жиноятларнинг 50 фоиздан кўпроғини 30 ёшгача бўлган шахслар содир этмоқда.

Халқ таълими идоралари, ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишилган ҳолда жамоатчилик иштирокида, турли диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолган, жиноят содир этишга мойил бўлган вояга етмаган ёшлар қилмишини билим масканларида муҳокама қилиш бошқа ёш ўспиринларга ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳ. МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
ИИБ ЖООБ бўлим
бошлигининг ўринбосари,
милиция полковниги.

Айрим ёшларнинг бекорчиликдан жиноят кўчасига кириб кетиши ҳеч кимга сир эмас. Жиноятчиликнинг олдини олиш эса биргина ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг қўлидан келмайди деб кўп марта ёзган эдик. Бу савобли, халқ учун фойдали ишга тадбиркорлар катта ҳисса қўиши мумкинлигини ҳам таъкидлаган эдим. Яқинда Наманган вилоятига хизмат сафари чоғида ана шундай эл осойишталигини ўз осойишталиги деб яшаётган бир инсонни учратдим.

РИЗҚ УРУҒИНИ СОЧИБ

Зокир ака Мусаев Косонсой туманида "Истикбол" фермер-хўжалиги ташкил этганига 6 йил бўлибди. Ҳозирда 230 гектар ерга дехқончилик қияпти. Хўжалигида 55 киши меҳнат билан банд. Шундан 3 нафари ака-укаси бўлса, қолганлари кўни-кўшни, маҳалладошлари. Уларнинг аксари ёшлар.

– Бултур ҳамма қарзлардан қутулиб, икки миллион сўм соф фойда билан чиқдик, энди йилмайил ишчиларимизнинг фаровонлиги ошаверади, – деди у ишонч билан.

Ишонч билан гапиришига асос бор, чунки ишчилар раиснинг ҳаммани деб жон куйдиришини яхши билишади, шунга қараб улар ҳам виждонан ишлашади.

Асли Зокир аканинг ери 130 гектар эди, ўтган йили у кўшни колхознинг 100 гектар унумсиз, тошлоқ ерини ҳам олди. Балки, ишонмасиз, шунгача зўрга 6-7 центнердан пахта, галла бериб юрган бу ердан бултур 24 центнердан пахта, 34 центнердан галла йиғиштириб олинди. Бунинг сири ишчиларнинг виждонан меҳнат қилишида. Виждонан меҳнатнинг сири эса Зокир аканинг ғамхўрлигида, ҳалоллигида. Ишонмасангиз келиб кўринг. Президентимиз Фармонларига кўра Зокир Мусаевнинг "Шухрат" медали билан тақдирланганлиги бунинг исботлаб турибди.

– Хўжайин, – деди менга Зокир ака (у киши суҳбатдошига шундай мурожаат қилар экан), – аслида

менга 10 гектар ер ҳам мана бундоқ етиб ортар эди. Болачакам билан ишлаб, топганимни еб-ичиб ётаверсам бўларди. Лекин дехқончиликнинг орқасидан бошқаларни ҳам бой қилиш мумкинлигини исботлагим келди.

– Мана ҳамма қарзлардан қутулибсиз, икки миллион соф фойда олибсиз, нега бу эски "Жигули"ни янгиламадингиз? – дедим ўсмоқчилаб.

– Ҳақиқий дехқоннинг ҳамёнида қўшимча сармояси бўлиши керак – бу бир. Иккинчидан, хўжалик аъзолари ҳам "Хўжайин топганини ўзи еркан", демайди, хўжайин. Ишонсангиз, бултургача эски иморатимда турардим. Охири ишчиларим кўйишмади, уят бўлади, мана тераклар ҳам иморатбоп бўлди, – дейишиб кўярда-кўймай ўзлари августнинг охирида ҳашар қилиб янги уй қуриб беришди. Машина кейинроқ.

Ҳа, тераклардан гап очилди. Хўжаликнинг ҳамма пайкаллари четларига тераклар ўтказилган. Бундан ташқари, теракзори ҳам бор. Раиснинг нияти, уларни ўз ҳодимларига арзон нарҳда сотиш, пули хўжалик ғазнасига, яъни айланиб келиб ишчининг чўнтагига тушади, албатта. Ахир, ёшларга уй-жой керак-ку.

– Ҳозир техникамиз кўпайди, ерлар ҳам эпакага келди, аъзоларнинг ҳам қўллари ишга келишиб қолди. Энди бу ёғига менга 40 нафар ишчи ҳам етарди. Аммо қолган 15 таси қаёққа боради? Иш топишнинг, айниқса, яхши ҳақ тўланадиган иш топишнинг ўзи бўлмайди.



Менимча, фойда деб одамгарчиликни унутмаслик керак. Шу 55 кишининг қафиллигини олдимми, дангасалик, қўли эгрилик қилишмаса, уларнинг иқтисодини таъминлаш менинг вазифам. Бу менинг шахсий фикрим, хўжайин, – қулиб елкамга қоқади Зокир ака.

Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 6-7 минг сўм экан. Тушлик овқат хўжалик хисобидан. Ишчиларни ташишга мўлжалланган улов тайёр.

Бундан ташқари, яхши-ёмон кунларда ишчиларга ёрдам пули, оморхонадан галла берилади. Бундан ташқари, шифокор дала шийпонига келиб, қабул ўтказди, керакли дори-дармонларни уларга бепул (хўжалик хисобидан) тарқатади.

Бундан ташқари, йил якунига кўра соф фойданинг маълум қисми ҳам ишчилар ўртасида тақсимланади. Маҳаллага яқинда хўжалик хисобидан табиий газ тортилди.

Хўш, қора қозон қайнаса, ҳам-

ёнда уч-тўрт танга бўлса, эртанги кунга ишонч бўлса, бир одамга яна нима керак? Кўнгилли дам олиши учун жой, шароит керак. Зокир ака бунинг ҳам ўйлаб қўйибди. Шу йил пахта терими арафасида маҳалла марказида гузар ташкил қилмоқчи. Токи бўш пайти қариялар аччиқ чойни симириб, ёшлар шахмат-шашка, нарда, стол тенниси ўйнаб хордиқ чиқарсин. Сартарошхона, новвойхона, тиббий пункт, дорихона дегандай. Ҳаммаси хўжалик хисобидан бўлади.

Яна Зокир аканинг кейинроқ макарон цехи, томат цехи очиш режалари ҳам бор. Майли, бошқа сирларини очмай. Хулоса шуки, ҳали бу 55 ишчидан бошқаларга ҳам иш ўринлари яратилади.

– Ёшлар ўртасида иш асносида тарбиявий ишлар ҳам олиб бораман, – дейди раис жиддий тортиб. – Уларга яхши ишлашса ҳар бири "Тикон"лик бўлишини, хўжалигимиз гуркираб кетишини тушунтираман. Ораларидан қобилиятлиларини институтларда ўқитиш ниятим ҳам бор. Хўжаликка агроном керакми-керак, инженер керакми – керак, дўхтир керакми-керак. Саломатлик бўлса, ниятлар кўп, – дейди Зокиржон ака кўзларини қисиб узокда шовуллаб турган бугдойзорга тикилар экан, ирим қилди, – туф-туф, кўз тегмасин, бу йилги ҳосил мўлроқ. Буям эл-юртнинг насибаси-да, мен ҳаммасини уйимга орқалаб кетардим, нима дедингиз, хўжайин?

– Нима дердим. Сизга ўхшаган тадбиркорлар кўпаяверсин. Улар сармоясини эл фаровонлигига, аҳолини иш билан таъминлашга, ёшларни меҳнат орқали тарбиялашга сарфлайверсин. Уларнинг бири икки, ўни юз бўлсин.

Ҳазрати Навоий "Маҳбубул қулуб" асарларида дехқонни эл ризқи уруғини сочувчи, деб таърифлаган эдилар. Дастурхонимизга файз-баракат киритувчи, халқ ризқи уруғини сочувчи ана шундай миришкорлар бор бўлсин.

Бу гапга сиз нима дедингиз, Зокир ака?

Б. ТОШЕВ.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАНЛАР



Бухоро вилояти Пешку тумани ИИБ томонидан бедарак йўқолган Зафар Саидов кидирилмоқда. У 1983 йилда туғилган, Пешку тумани Бухоро жамоа хўжалиги Талисбун қишлоғида яшаган. 2000 йил 8 март куни ўқишга

бораман деб, уйдан чиқиб кетганча қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 160-165 см, юзи думалоқ, қулоғи ва бурни ўртача катталиқда, кўзи қора, сочи сариқ қалта.

Кийимлари: эгнида оқ кўйлак, жун матодан костюм, ҳаво ранг куртка, оёғида қора туфли бўлган.

Фуркат тумани ИИБ томонидан Турсуной Сиддиқова кидирилмоқда. У 1957 йилда туғилган, Фуркат тумани Хаит қишлоғида яшайди. 1998 йил 14 июнь куни уйдан номаълум томонга чиқиб кетиб, бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи 160-165 см, ўртача гавдали, руҳий касал.

Юқорида номлари зикр этилган фуқароларни кўрган-билганлар яқин ўртадаги милиция бўлимасига хабар беришларини сўраймиз.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Қарши шаҳар ИИБ томонидан Юрий Дмитриевич Долгов жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрганлиги учун кидирилмоқда. У 1965 йилда Қарши шаҳрида туғилган, миллати рус, бўйдоқ, илгари судланган, Қарши шаҳар Держжинский кўчаси 50-уйда яшаган.



Белгилари: бўйи 175-180 см, ориқдан келган, юзи чўзиқроқ, сочи қалта малла рангда, кўзи чуқурроқ жойлашган, ўртача катталиқда, қоши қалин, малла рангда, бурни тўғри, оғзи ўртача катталиқда, ияги учбурчак шаклда.

Ю. Д. Долговни кўрган ёки қардашларини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

ЧАҚОНЛИК ВА

ЖАНГОВАРЛИК КҮРИГИ



Яқинда сўлим Фарғонада ўт ўчириш амалий спорти бўйича Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди. Киргулидаги "Нефтчи" ўйингоҳи мусобақалар пайти тўлалигича қатнашчилар ихтиёрига берилди.

Чемпионатни вилоят ҳокими ўринбосари К. Салоҳиддинов кириш сўзи билан очди. Виллоят ИИБ бошлиғи милиция полковниги Б. Сиддиқов мусобақадан кўзланган мақсад, унинг аҳамияти ҳақида гапирди. Шундан сўнг ўтган йилги чемпионат голиблари — Тошкент шаҳри ИИББ терма жамоаси вакиллари мусобақа байроғини кўтаришди.

Уч кун давом этган беллашувлар қизгин, мурасасиз руҳда ўтди. Спортчилар 100 метрли тўсиқли йўлакча-ни забт этиш, эстафета, ишғол қилувчи нарвондан кўтарилиш, жанговар ёйилиш каби кўплаб турлар бўйича куч синашди. Ўн саккиз терма жамоа иштирок этган бу йилги биринчилида омад яна пойтахт терма жамоасига қулиб ёқди. Тошкентликлар спорт турларининг мутлақ кўпчилиги бўйича голиб бўлиб, чемпионлиқни қўлга киритишди. Иккинчи ўрин наманганликларга, учинчи ўрин эса ТЕСОТМ жамоасига насиб этди.

Голибларга пул ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Чемпионатнинг бош ҳақами, республика ИИБ ЁСБ бошлиғининг ўринбосари ички хизмат подполковниги А. Исломов мусобақа низоҳатда юқори даражада ташкил этилганлигини, қатнашчиларга қулай шароит яратилганини алоҳида таъкидлади.

Биринчилик сўнгидея спортчиларнинг Кува, Водил каби сўлим гўшаларга, Фарғона шаҳрининг диққатга сазовор жойларига саёҳати уюштирилди.

Мусобақалар чоғида ҳамкасблар ўзаро тажриба алмашишди. Беллашувларни кўплаб фуқаролар, айниқса ёшлар ҳам қизиқиб томоша қилишди. Ўйлаيمизки, бу аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот вазифасини ҳам бажарди, кўплаб ёшларда ўт ўчирувчилик касбига қизиқиш, ҳавас уйғотди.

М. КИМСАНБОВЕВ,
Фарғона вилояти.

Суратда: мусобақадан лавҳа.

Китоб тумани Қашқадарё вилоятининг сўлим, хушманзара гўшаларидан ҳисобланади. Бу ерда 178 минг аҳоли истиқомат қилиб, улар республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Халқ бойлигини ҳамда фуқароларнинг тинч, осойишта ва ёнғин офатларидан сақлашда туман ички ишлар бўлими Давлат ёнғиндан сақлаш бўлими ходимлари ҳам жонбозлик кўрсатмоқдалар. Биз туман ички ишлар бўлими Давлат ёнғиндан сақлаш бўлими бошлиғи, ички хизмат капитани Улуғбек Норқўзиев билан учрашиб, бўлимада амалга оширилаётган ишлар, галдаги вазифалар ҳақида суҳбатлашдик.

БЕПАРВО-БЎЛМАЙЛИК

— Бўлимамаизда беш нафар киши бўлиб, улар ёнғин хавфсизлигининг олдини олиш, кўнгилсиз ҳодисаларни камайтириш борасида бир қатор ишларни амалга оширмоқдалар, — дейди У. Норқўзиев. — 1999 йил давомида ходимларимиз томонидан 1140 та халқ ҳўжалиги объектларининг ёнғин хавфсизлиги ҳолати текширилди.

917 нафар мансабдор шахсга 1028050 сўм, 390 нафар фуқарога 71950 сўм жарима қўлланилди. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузган 162 та ишшоот иш фаолияти вақтинча тўхтатилди. 1151 та вақтинча тўхтатилган электр симлари узиб қўйилди.

Очигини айтишимиз керак, қўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан эътиборсизлик, масъулиятсизликка йўл қўётган фуқаролар учраб турибди. Натижада бир қатор кўнгилсиз ҳодисалар келиб чиқмоқда. Масалан, шу йилнинг бошида Китоб шаҳри, Янгибод кўчаси, 7-уйнинг 10-хонадонидан яшовчи фуқаро Содиқ Бобоевнинг газ хонасидаги газ резина ичак орқа-



ли олиб кирилгани натижасида ёнғин содир бўлди. Китоб шаҳридаги Гулистон кўчаси, 62-уйнинг 8-хонадонидан яшовчи фуқаро Мавлуда Қобилова норасида боласини бешиқда қаровсиз қолдириб кетган. Хонадондаги электр печкадан ёнғин чиқиб, уйни тутун қоплаган. Хайриятки, бундан қўшнилари Гулшода Худойкулова, Роҳила Усмоновалар хабар топиб, бешиқдаги гўдакни қутқариб қолишди. 27 январь кўни Абдурахмон Зокиров кўчаси, 5-уйда яшовчи Қурбоной Раҳмонованинг масъулиятсизлиги оқибатида пахта ёғини доғлаш вақтида ёнғин чиқди.

Ички ишлар бўлими Давлат ёнғин-

дан сақлаш бўлими ходимлари, участка вакиллари, вояга етмаганлар билан ишлаш инспекцияси, газ ҳўжалиги, ўз-ўзини бошқариш органлари, кўнгилли ўт ўчириш жамиятлари билан ҳамкорликда туман ҳудудидаги аҳоли яшаш хонадонларининг ёнғин ҳолати мунтазам текшириб борилмоқда. Қоидани бузганлар жазоланяпти.

Бўлима жамоаси Соғлом авлод йилида туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда ёш ўт ўчирувчи дружиналари орасида ўт ўчириш амалий спорти бўйича мусобақалар ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқишган. Шунга асосан "Гурут ўйинчоқ эмас", "Газдан нотўғри фойдаланиш ёнғинга олиб келади", "Сандал ёнида болаларни ёлғиз қолдирманг" мавзуларида викториналар, конкурслар ўтказилмоқда. "Меҳрибонлик уйи", туманда жойлашган вилоят микёсидаги гўдаклар уйида ҳам учрашувлар бўлиб, болажонларга меҳр-мурувват, саховат кўрсатилиб, совғалар топширилди.

Хусан РАҲМОНОВ.

Суратда: Улуғбек Норқўзиев ўт ўчириш қисми жамоаси билан навбатдаги ўқув-машғулоти ўтказмоқда.

Дилфуза мана ўн йилга яқин терговчилик қияпти. У иши давомида турли-туман тоифадаги, феъл-атвордаги кишиларга дуч келди. Айбланувчиларнинг ҳар хил ҳийла-найрангларидан, минг бир тусда турланишларидан неча бор ҳайратдан ёқа ушлади. Бора-бора унинг кўзи пишиди, энди ундай-бундай найрангбозни кўрсатикки оғиз сўзидан, баъзан қарашиданок билиб олади. Уларнинг ёлғондакам оҳвоҳи, тавбаларига кўникиб ҳам қолди.

Лекин бугунги боланинг қиёфаси кечаси алламаҳал бўлибди ҳамки, кўз олтидан кетмасди. Қўшни хонада ётган болалари ухлаб қолгач, эрининг тегажқлигига рўйхуш бермай:

— Кўйинг, негадир юрагимга қил ҳам сиймаяпти, — деди сийганиброк.

— Сан шу ишингдан бўшаб қўя қол. Зўр келса, битта нонни ҳам ермиз. Бу нима турмуш? Очиқиб-сочиқиб яшамасанг. Қош қораймасдан ишдан келмасанг. Уйдаям пешонангни тириштириб юрганнинг-юрган. Худди биров арпангни хом ўргандай. Бунақада ҳадемай офтобда қуритилган туршакдай буришасан-қоласан. Э! — эри зарда билан тескари ўғирлиб олди. Бунга ҳам қаноат қилмай тепа сочи тўкила бошлаган хумдай бошини кўрпа ичига буркади.

Дилфузанинг кулгуси келди. Бир ҳаёл эрини секин қучиб бўйнидан ўпиб қўй, деди. Яна эри уйғонса шўхлиги тутишидан чўчиди. Секин "уф" тортиб қўйди. Эри кўп ўймай беозор хуррак отишга тушди. "Ҳолингиз шунча экан-ку, ока", — кулимсираб ҳаёлидан ўтказди Дилфуза. У яна алламаҳалгача мижжа қоқмай ётди...

...Воқеа бундай бўлган эди. Эрталаб Дилфуза талончилик иши бўйича гувоҳлар кўрсатмасини ўқиб, эри айтмоқчи "пешонасини тириш-

тириб" ўйланиб ўтирган эди, тезкор ходим Аҳмаджон бир ўн-ўн бир яшарлар болани бошлаб келиб:

— Опа, бошлиқ айтдилар, қабул қилиб олар экансиз, — деб олдига уч-тўртта қоғоз ҳам қўйди. Дилфуза жинси камзул-шим кийган, олифтанамо бу боланинг қарашидан эти жимирлаб беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Боланинг кўзи олма-кесак терарди. У бир зумда Дилфузага ҳам бошдан оёқ кўз югуртириб олди. Кейин ҳафсаласи пир бўлгандай машинкага, қаламдонга, китоб жавонига, сейфга, шифтга, полга — хуллас ҳамма ёққа аланглаб чиқди.

— Хўп, менга рухсат, ўртоқ капитан, — Аҳмаджоннинг овозидан Дилфуза ўзига келди, гапирмоқчи эди, овози чиқмади, кейин бош лиқиллатиб қўйди.

Аҳмаджон чиқиб, эшикни аста ёпди.

Йўқ, Дилфуза кўрққани йўқ. Боланинг мушздай бошига бунчалик безовталиги, этни сескантурувчи совуқ қараш Дилфузани эсанкиратиб қўйган эди.

— Ўтирсам майлими? — боланинг нигоҳи бир зум Дилфузанинг кўзларига қадалиб тўхтади. Шунда ҳам унинг қорачиқлари тиниб турмасди.

Дилфуза унга стул суриб берди. Кейин ўзи ҳам ўтириб столи устидаги қоғозлар билан таниша бошлади. Булар хусусий машина эгасининг автомобилдан магнитофони ўғирлангани ҳақида аризаси, икки тезкор ходимнинг гумондорни далилий ашё билан тутгани ҳақида билдиргиси, гувоҳларнинг кўрсатмалари эди. Хулласки, бола бировнинг машинаси-дан магнитофон ўғирлашда гумон қилинаётган эди.

— Хўш? — деди Дилфуза тортмасидан янги сўроқ про-

тоқлини олиб машинкага жойларкан.

— Фамилиям Шукуров, отим Ботир. Иккинчи детдомданман. Отам Шукуров Содир, алкаш. Ҳеч қатта ишламайдилар. Самарқанд Дарвозада турадилар. Отам Шукурова Фарида. Отам билан ажрашган. Мани детдомга топшириб, ўзи бошқа эрга теккан. Қатта туришини билмайман, — бола то гапини тугатгунча ердан қўзини узмади. Кейин Дилфузага "бўлдимми?" дегандай ўкра-

— икковиям милиция кийимида эмас экан-да.

Дилфуза ҳам қўшилиб кулди. Шу кулпу сабаб бўлди-ми, бола энди ёзилиброқ ўтирди.

Дилфуза энди саволни қандай қилиб берсам боланинг кўнгли оғримаскин деб пича ўйланиб турди.

— Ука, нега ўғрилиқ қилгансан? Детдомда овқат, кийим беради, китоб-дафтар беради, тўғрими?

— Нима, детдомдагиларнинг сизларнинг болаларга

йиб қаради.

Дилфуза кулимсиради:

— Ман ҳали ҳеч нарса сўрамадим-ку.

Бола бепарво қўл силтади:

— Барибир сўрайсиз-да. Сиз ҳам милициясиз-ку! Тўғрими? Ўзи ҳамма милиция шунақа бўлади.

— Нима, илгари ҳам милицияга тушганимсан?

Бола яна эрга тикилиб бош лиқиллатди.

— Нима иш билан?

— Болаларни, укамни морожнихўрликка олиб чиққанманда.

— Пулни қаердан олардинг?

— Нима, илгари ҳам ўғирлик қилганимдин?

Бола бошини баттар қуйи эгиб олди.

— Қўлга тушганимсан?

Бола бош чайқайди.

— Бугун қандай қўлга тушдинг?

— Оперлар пойлаб туришган экан, — бола энди бошини кўтариб кулимсиради. Кўзлари шўх қақнаб кетди,

ўхшаб ўзлари шаҳар айланишга, морожний ейишга, кола ичишга ҳақи йўқми?

Дилфуза бир зум довдираб қолди. Сўнг ўзини тутиб олиб сўради:

— Ўғирлик жиноят эканини билмайсанми?

Бола ҳафсаласи пир бўлгандай яна бегона қараш қилди:

— Биладан, ўн тўрт ёшдан. Ҳали ўн тўртта киришмига яна уч йил бор.

Дилфуза ўзини тутолмай шарақлаб қулиб юборди. Боланинг елкасига қоқди:

— Ҳали буниям биласанми? Хўп, унда бу қилган ишларинг учун сани директорнинг ёпиқ мактабга жўнатиб юборишини ҳам биласанми?

— Биладан, — бола пинагини бузмади, — барибир қочиб кетаман.

— Қаёққа?

— ...

— Отангининг олдида келасанми?

Бола бош чайқаб чуқур нафас олди:

— Мани ҳеч кимга керагим йўқ. Отангайм, онамга-

ям, детдомдагиларгайм. Пул топсам жой топилади.

Дилфуза ўз гапига ўзи уялиб кетди. Орага ноқулай жимлик қўкди. Сукунатни боланинг ўзи бузиб:

— Бошқа ўғирликларимни ёзиб олмайсизми? — деди, кейин қачон, қаерда, қанақа русумли, рақамли машинадан нималар ўғирлаганини, уларни кимларга сотганини бир-бир санайверди.

Дилфуза ҳаммасини ёзиб бўлиб, болага қизиқсиниб қаради:

— Нега сўрама-симдан буларни гапириб бердинг?

Бола жавоб ўрнига елка қисди:

— Унда нега ҳамма машинани ҳам, ўғирлаган буюмларингни сотиб олганларни ҳам эслаб қолганингни айт.

Бола муғомбирона кулди:

— Хотирам зўр. Устозимиз шунақа дейдилар.

— Топган пулингни нима қилардинг?

Бола таажжубланишини яширмади:

— Айтдим-ку! Болалар билан айланишга чиқардик. Мана бу жинсини ҳам ўзим сотиб олганман. У ёқда плейерим ҳам бор. Кейин таксида юришни яхши кўраман.

Шоколад билан чой ичиш ҳам маза. Конфетингиз йўқми?

Дилфуза энгашиб тумбочкадан конфетли ликопчани қидириб топди-да стол устига қўяркан қулиб:

— Фақат бу шоколад эмас-да. Сўрадиганидан. Ҳозир ман чой қўяман, — деди.

У электр човгумга сув тўлатиб кирганида бола бамайлихотир конфет шимарди...

Дилфуза болани Аҳмаджонга топшириб, болалар уйига олиб боришни, у ердан қандай ҳужжатлар олиш-

ни тайинлади. Улар эшикка боришганида болани тўхта-тиб, ликопчадаги конфетларни газета парчасига ўраб, қўлга тутқазди:

— Ўртоқларингга "Овдан куруқ қайтмадим" дейсан, тушундинг-ми? Ҳали яна кўришамиз. Фақат энди бунақа иш қилма. Келишдик-ми?

Бола индамади.

Дилфуза иш кўни охирида столи устида турган узуги йўқолганини пайқайди...

Уч кунлик суриштирув боланинг ҳамма гаплари тўғрилигини тасдиқлади. Ўғирлик молларни арзон-гаровга ёш боладан сўрамай-суриштирмай сотиб олганларнинг қизариб-бўзаришини кўриб Дилфуза боланинг муғомбирона кулгуси маънисини англагандай бўлди.

Болани ёпиқ типдаги мактабга жўнатиш учун болалар уйи раҳбарлари Дилфузадан ҳам баъзи ҳужжатлар сўрашганида унинг юраги бир увишиб кетди. Кўз олдида ярқ этиб икки дунёни ҳам унутиб конфет шимиб ўтирган ўша таниш, қадрдон бўлиб қолган чехра келди.

Вақт ўтиб, Дилфуза янги ташвишлар билан бўлиб болани унутмаган экан. Ҳовлиқиб кириб келган Аҳмаджон томдан тараша тушгандай:

— Эшитдингизми? Ботир у ёқдан ҳам қочиб кетибди, — деди.

Дилфуза индамади, фақат юрагининг туб-тубида бир оғриқ туйди.

— Ўша кўни кўзимни шамғалат қилиб тортмадан беш минг сўмни олиб қўйибди. Эртасига билдим. Борсам аллақандай ўртоқлари билан еб-ичиб бўлибди. Болаларга айтманг, яна кулгу қилиб юришсади, — Аҳмаджон аллақандай алам билан қулиб қашини қашлади.

Дилфуза ҳам йўқолган узугини эслаб синиқ жиймайиб қўйди. Юраги эса ҳамон сим-сим оғирди.


ХУРИШ.

КРОССВОРД

Бўйига: 1 Марказий Осиёдаги қўл. 2 Санитария-техника қурилмаси. 3. Хушсизлантириш воситаси. 4. Кишилар тўпланадиган жой. 7. Буюк изкувар. 8. Инсондаги мустақил фаолият. 9. С. Аҳмаднинг "Уфқ" романи қаҳрамони. 11. Қитъа. 12. Уй ҳайвони. 14. Ўзбекистондаги нефть кони топишган жой. 19.... гўсса. 21. Биринчи. 23. Африкада яшовчи тўтиқуш. 24. Буйруқ. 28. Ёлгон гапга..... 30. Йиртқич қуш. 31. Ганчорликда ишлатиладиган асбоб. 32. Республикамиздаги вилоят. 34. Қалин қоғоз. 38. Таълим-тарбия маскани. 40. Йирик қуш.

Энига: 2. Зангори бўёқ. 4. А. Навоий замондоши, шйир. 5. Европадаги қадимий шаҳар. 6. Қўшма гап тури. 10. Қорақалпоғистондаги шаҳар. 11. Химиявий элемент. 13. Аёллар кийими. 15. Мулоқот воситаси. 16. Тамом, тугади. 17. Кўриниш. 18. Ҳўл мева. 20. Адибнинг асарига билдирилган ёзма муносабат. 22. Ўймакорлик учун ишлатиладиган дарахт. 25. Ўзбек ҳайкалтароши. 26. Осиёдаги давлат. 27. Қитъа. 29. Янги Гвинеяда яшовчи тўтиқуш. 31. Африкадаги дарё. 33. Безакчилик материали. 35. Фарғона водийсидаги туман. 36. Қозғистондаги дарё. 37. Араб мамлакатларидан бири. 39. А. Чўлпон шёъри. 41. Баъзи жойларда қизиқчиға берилган ном. 42. Ип. 43. Ҳукумат. 44. Зангламайдиган металл. 45. Осийшталик, тинчлик негизи.

Тузувчи: А. ИСРОИЛОВ.



ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СЕНИДА ЧОП ЭТИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Энига: 5. Гана. 7. Балх. 9. Қўтон. 11. Урумчи. 12. Устара. 13. Мерос. 14. Амири. 17. Ироқи. 19. Жиш. 21. Аллома. 22. Огаҳий. 23. Ром. 25. Қумри. 28. Атама. 31. Эстон. 33. Жайхун. 34. Андоза. 35. Гуноҳ. 36. Шоти. 37. Отин.

Бўйига: 1. Қашмир. 2. Тақим. 3. Обнус. 4. Элитар. 6. Отарчи. 8. Прем. 10. Ҳуқуқ. 15. Ислон. 16. Ибони. 17. Ижара. 18. "Одина". 19. Жар. 20. Шом. 24. Остона. 26. Урал. 27. Раҳмон. 29. Тадбир. 30. Музд. 31. Энгил. 32. Наҳор.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИ КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ АДЪЮНКТУРАГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи;
- давлат ҳуқуқи ва бошқарув; маъмурий ҳуқуқ; молиявий ҳуқуқ;
- фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик жароёни; халқаро хусусий ҳуқуқ;
- қишлоқ хўжалик ҳуқуқи; ер, сув, ўрмон ва кон ҳуқуқи; экологик ҳуқуқ;
- жиноят ва жазо ҳуқуқи, криминалогия; ахлоқ тузатиш-меҳнат ҳуқуқи;
- жиноят жароёни, криминалистика ва тезкор-қидирув ҳуқуқи, суд экспертизаси.

Кундузги адъюнктурга ички ишлар идораларининг юқори ва ўрта бошлиқлар таркибидagi ёши 30 гача, сиртқи адъюнктурга эса ички ишлар идораларининг юқори ва ўрта бошлиқлар таркибидagi ёши 35 гача бўлган шахслар қабул қилинади.

Адъюнктурга номзодларни танлаш ички ишлар идоралари (муассасалари) томонидан олий маълумотли, илмий-тадқиқот ишларида иштиёқли ва танлаган ихтисослиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган иш стажига эга ходимлар сирасидан ўтказилади.

Адъюнктурга кирувчи шахс танлаган илмий ихтисослигини кўрсатган ҳолда билдирги беради. **Кундузги ва сиртқи танловни ўтказувчи орган ҳар бир номзод бўйича Академия қуйидаги ҳужжатларни жўнатади:**

1. Номзоднинг шахсий йиғма жилди (кундузги бўлимга).
2. Номзоднинг ўқув йиғма жилди. Унда қуйидагилар бўлиши керак:
 - билдирги (танлаган ихтисослигини кўрсатган ҳолда);
 - №1-форма бўйича маълумот;
 - кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа (фотосурати билан);
 - таржимаи ҳол;
 - хизмат тавсифномаси — йўлланма;
 - гувоҳнома учун 4х6 ҳажмдаги иккита рангли фотосурат;
 - олий ўқув юртини тугатганлиги ҳақидаги дипломнинг тасдиқланган нусхаси ва синов варақаларидан кўчирма;
 - нашр этилган илмий ишлар, кашфиётларнинг рўйхати, илмий-тадқиқот ишлари ҳақида ҳисобот. Улар бўлмаса, танлаган ихтисослиги бўйича ҳажми 15–20 саҳифадан (машинкада икки интервалда) иборат бўлган илмий реферат (маъруза);
 - олий ўқув юртини тугатиб, адъюнктурга кирмоқчи бўлган шахслар учун олий ўқув юрти Илмий кенгаши мажлисининг баённомасидан кўчирма;
 - саломатлиги тўғрисида маълумотнома;
 - 2х2 формада белгиланган номзодлик имтиҳонларини топширганлик тўғрисидаги гувоҳнома (бўлган тақдирда). Агарда номзодлик имтиҳонлари топширилган бўлса, кириш имтиҳонларидан озод қилинади.

Олий ўқув юртини тугатганлиги тўғрисидаги дипломнинг нусхаси эса адъюнктурга кирувчининг шахсан ўзи томонидан кўрсатилади.

Фалсафа, чет тили ва мутахассислик бўйича имтиҳонлар 2000 йил 1-30 сентябрда ўтказилади.

Ҳужжатлар 2000 йил 1 августгача қабул қилинади.

Маълумот учун телефонлар: 65-23-59; 133-78-45; 139-71-55.

Академия манзили: 700197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти, Ҳайъати ва шахсий таркиби Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция генерал-майори Ботир Раҳматович ПАРПИЕВга отаси Раҳмат ота ПАРПИЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.	Фарғона вилояти ИИВ раҳбарияти ва шахсий таркиби Фурқат тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция майори Зоиржон МИРЗАҚУЛОВга отаси Саминжон МИРЗАҚУЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқий таъминлаш ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма юридик бўлини маси бошлиғи, милиция майори Гулнора Ибрагимовга падари бузруквори АБДУВАХОБ отанинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.	Навоий вилояти ИИВ раҳбарияти ва шахсий таркиби Хатирчи тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция майори Алишер Хушвақтовга падари бузруквори ОТАКУЛ бобонинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.
Самарқанд вилояти ИИВ раҳбарияти ва шахсий таркиби Самарқанд тумани ИИБ ЖКБ тезкор вакили, милиция майори Ўқтам ҲАЙДАРОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.	Ўзбекистон Республикаси ИИВ Коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш Бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма катта тезкор вакили, милиция капитани Фахриддин Рўзматовга волидаи муҳтарамаси ОЙША аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.
Қашқадарё вилояти ИИВ раҳбарияти ва шахсий таркиби Қасби тумани ИИБ бошлиғи, милиция майори Н. Неъматовга отаси Неъмат ХОЛМАНОВнинг ҳамда ЖИЭМ бошлиғи ўринбосари, ички хизмат подполковниги Шўҳрат Содиқовга онаси Муҳаррам Аҳмедованинг вафоти билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.	Булунғур тумани ИИВ раҳбарияти ва шахсий таркиби милиция сержанти Маҳрамкул ўРИНБОЕВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти-нинг 1995 йилги битирувчилари диққатига!

Билим юртини битирганликнинг беш йиллиги муносабати билан шу йил 17 июнь куни соат 9.00да қадрдон билим юртига ташриф буюришингизни сўраймиз.

Ташаббус гуруҳи.

KELGUSI HAFTA UCHUN MUNAJJIMLAR BASHORATI

ҚҲЙ (21 март – 20 апрель)

Ушбу ҳафтада ўзингизни ташвишга солаётган масалани ҳал этиш учун кўп асабийлашингизга тўғри келади. Аммо кўнглингизни чўктирманг. Чунки, кўп ўтмай аввалги самарали фаолиятингиз туфайли юқори натижага эришасиз.

СИГИР (21 апрель – 21 май)

Душанба кунги музокаралар муваффақиятли яқунланади. Шахсий ҳаётингиз билан боғлиқ муаммоларни чоршанба ва жума кунлари ҳал этмасликини маслаҳат беримиз. Чунки, аҳволни оғирлаштириб қўйишингиз мумкин. Шанба кунги дўстларингиз билан кўтиляётган мулоқот бир олам қувонч келтиради.

ЭГИЗАКЛАР (22 май – 21 июнь)

Сешанба ва пайшанба кунлари баракали меҳнат қиласиз. Чоршанба кунги моддий аҳволингизни яхшилаб олиш имконияти бор. Шанба кунги ажойиб инсон билан танишингиз мумкин. Якшанба кунги ҳар қандай сафарлар яхши яқунланади.

ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь – 23 июль)

Душанба кунги иш жойингизда келишмовчилик келиб чиқиши эҳтимолли бор. Чоршанба ва пайшанба — ижод учун қулай кунлардир. Шанба кунги ишқий саргузашт, якшанбада эса уй юмушлари билан банд бўласиз.

АРСЛОН (24 июль – 23 август)

Душанба ва чоршанба кунлари барча кўзлаган ниятларингиз амалга ошади. Сешанба кунги молиявий ютуқ кўтилмақда. Жисмоний меҳнатга жума кунги ҳаддан ташқари берилманг, жароҳат олишингиз эҳтимолдан холи эмас. Ҳафтанинг охирида сизга омад қулиб боқади.

БОШОҚ (24 август – 23 сентябрь)

Сешанба — барча муносабатларда муваффақиятли кундир. Чоршанба кунги шахсий ҳаётингизда юзага келувчи муаммолар келгуси режаларингиз ҳақида яна бир бор ўйлаб кўришга ундайди. Ҳафтанинг иккинчи ярмида саломатлигингиз биров панд бериши мумкин.

ТАРОЗИ (24 сентябрь – 23 октябрь)

Душанба кунги яқин дўстингиз совға ҳадя қилади. Сешанба кунги асабийлашувдан сўнг катта қуч-қувват билан ишга киришасиз. Сешанба-пайшанба — муваффақият келтирувчи кунлардир. Жума кунги алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Дам олиш кунларини ажойиб даврада ўтказасиз.

ЧАЁН (24 октябрь – 22 ноябрь)

Душанба кунги янги танишувлар ва ажойиб мулоқот билан ёдингизда қолади. Чоршанба кунги қўшимча даромад ишлаб олиш имконияти бор. Дам олиш кунлари уй юмушларини бажарганингиз маъқул.

ЁЙ (23 ноябрь–21 декабрь)

Сешанба кунги керакли маълумотни қўлга киритасиз. Чоршанба кунги ҳаётингизга пўл тушади. Жума кунги яхши харид кўтилмақда. Мазкур ҳафта ишқий саргузашт билан яқунланади.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь – 20 январь)

Ҳафтанинг бошида ўзингизни ҳам жисмонан, ҳам руҳий жиҳатдан ҳорғин сезасиз. Бу пайтда қўндалик юмушлардан ташқари муҳимроқ ишни бажаришингиз мушкул. Ўзоқ қариндошларингиздан пайшанба кунги қувончли хабар эшитасиз. Ижод учун шанба қулай кундир.

ҚОВГА (21 январь – 19 февраль)

Сешанба кунги олисдан сим қоқишади. Пайшанба кунги яқин кишингиз ўзига эътибор беришингизни талаб қилади. Қасб моҳоратингизни жума кунги намойиш этасиз. Дам олиш кунлари кўтиляётган ишқий саргузашт ўзоқ вақт ёдингизда қолади.

БАЛИҚ (20 февраль – 20 март)

Ушбу ҳафтада анчадан бери ташвишлантираётган эски қарзларингиздан қутулиш имконияти бор. Пайшанба кунги кўтилмаган жойдан даромад келади. Эски қадрдонингиз билан якшанба кунги учрашасиз.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:

700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1



Gazeta haftaning payshanba
kunlari chiqadi.

Bosh muharrir Zokir ATAYEV

Muharrir

Erkin SATTOROV
(Bosh muharrir
o'rinbosari v.b.)

Mas'ul kotib

J. G'OIPOV

Navbatchi:

S. SHAMSIDINOV

Musahhihlar:

M. AKRAMOVA

G. XOLIQOVA

Sahifalovchi va dizayner:

A. MIRZAMUHAMEDOV

TELEFONLAR:

Bosh muharrir

o'rinbosari — 139-77-23.

Mas'ul kotib 139-73-88.

muxbirlar

bo'limi 139-75-69.

Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari

bo'yicha murojaat uchun

faks: 54-37-91,

peyjer: ... (088) 36-97, 55-19.

Elektron pochta
postmaster@urmvd.co.uz

Bizning hisob raqamimiz
O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki
Toshkent shahar Bosh
boshqarmasi hisob-kitob —
kassa markazida:
21596000200447980001,
MFO 00014.

• Ko'chirib bosishda
"Postda"dan ekanligini
ko'rsatish shart

• Maqolada keltirilgan
raqamlar, faktlar va
boshqa ma'lumotlar,
shuningdek, ochiq e'lon
qilinishi mumkin
bo'lmagan ma'lumotlar
uchun muallif javobgar
hisoblanadi.

• Muallifning mulohazasi
tahririyat fikriga mos
tushmasligi mumkin.

• Qo'lyozmalar tahlil
qilinmaydi va
qaytarilmaydi.

Ro'yxatdan o'tish
tartibi № 00007.
Buyurtma № — 522.
Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish
vaqti — 19.00.
Bosishga
topshirildi — 19.00.

Obuna raqami — 180

99423 nusxada
chop etildi.

«SHARQ»
nashriyot-matbaa konserni
bosmaxonasi.

Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi
41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.